



Икки томонлама маданий-маърифий алоқалар юксак даражага олиб чиқилади

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 10 июль куни Ислон цивилизацияси I Халқаро форумида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Кавказ мусулмонлари идораси раиси, шайхулислом Оллохшуккур Пошшозодани қабул қилди.



Учрашув аввалида давлатимиз раҳбари шайхулислом томонидан тухфа этилган, Ўзбекистон ва Озарбайжон раҳбарларининг умумий сайёҳаракатларига бағишланган “Қардошлик ва иттифоқчиликнинг олий нуқтаси” китоби учун миннатдорлик билдирди.

Мулоқот давомида миллатлараро товулик ва диний бағрикенгликни янада

мустаҳкамлаш, ёшларнинг маънавий тарбиясини юксалтириш ва бошқа масалалар атрофида муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Президенти икки томонлама маданий-маърифий ҳамкорликни янги bosқичга олиб чиқишга қаратилган муҳим тақлифларни илгари сурди.

Ислоннинг асл инсонпарварлик моҳиятини ёшларга содда ва қизиқарли тарзда

тушунтириш учун рақамли платформалар ва интерактив таълим воситаларидан фойдаланишда илмий салоҳиятни бирлаштириш зарурлиги қайд этилди.

Учрашув якунида давлатимиз раҳбари Оллохшуккур Пошшозодага мусулмон дунёси илм-фанига қўшаётган улкан ҳиссаси учун Ўзбекистоннинг “Эл-юрт хурмати” орденини топширди.

ЎзА

Нуфузли халқаро тузилма билан амалий муносабатлар изчил ривожланиб бормоқда

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ислон цивилизацияси I Халқаро форумида иштирок этиш учун юртимизга келган Ислон дунёси таълим, фан ва маданият ташкилоти (ICESCO) бош директори Салим ал-Маликни қабул қилди.

Ўзбекистон ва Ислон ҳамкорлик ташкилотининг ушбу нуфузли институти ўртасида кўп қиррали шерикликни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Халқаро тузилма билан амалий ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди.

Ўзбекистон халқаро ислоншунослик академиясида ICESCO кафедраси фаолият юритмоқда. Жорий йилда Тошкентда

ташкilotнинг офиси очилди. Февраль ойида Ислон олами маданий мероси қўмитасининг навбатдаги йигилиши якунларига кўра, мамлакатимизнинг 7 та моддий ва номоддий мерос объекти ICESCO рўйхатига киритилди.

Мулоқотда маданий ёдгорлик ва кўлёмаларни реставрациялаш, муҳофаза қилиш ҳамда рақамлаштириш, юртимизнинг бой тарихий меросини халқаро медиа

платформалари орқали кенг тарғиб қилиш, шунингдек, қўшма тадбирлар ўтказиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашув якунида Ўзбекистон Президенти халқимизнинг бой маданий меросини кенг оммалаштиришга қўшган шахсий ҳиссаси учун Салим ал-Маликни юксак мукофот — “Дўстлик” ордени билан тақдирлади.

ЎзА



Муштарак мақсадлар



Мазмунан янги даврга қадам қўйган ҳамкорлик

Беларусь Республикаси Шарқий Европадаги муҳим саноат ва логистика марказларидан бири. 207,6 минг квадрат километрдан иборат мамлакат ҳудудининг 44 фоизини ўрмонлар, 38 фоизини қишлоқ хўжалиги ерлари ташкил этади. Аҳолиси 9 миллиондан ортиқ. 2025 йилда мамлакат ички маҳсулоти 90 миллиард долларни ташкил этди.

Ўзбекистон ва Беларусь ўртасидаги муносабатлар бугун мутлақо янги сифат ва мазмунга эга. Икки мамлакат ҳамкорлиги изчил ривожланиб, амалий натижалар билан бойиб бормоқда.

Биз учун Беларусь саноат, қишлоқ хўжалиги, машинасозлик, логистика, озиқ-овқат саноати каби йўналишларда муҳим

тажрибага эга иқтисодий муҳим ҳамкор ҳисобланади.

Икки мамлакат етакчиларининг мунтазам учрашувлари ва амалий мулоқоти натижасида сиёсий алоқалар фаоллашди. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик кенгайди.

➡ Давоми 2-бетда

Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда

Юртимиздаги кенг қўламли ислохотлар самарадорлиги, натижадорлиги, энг аввало, қабул қилинаётган қонун, фармон, қарор ва топшириқларнинг ҳудудларда ўз вақтида ва сифатли бажарилишига боғлиқ. Шу боис, ижро интизомини янада мустаҳкамлаш, бу борада қатъий тартиб ўрнатиш, темир интизомни жойига қўйиш, жойлардаги ҳокимлар ва ҳокимликлар масъул ходимларининг дунёқарашини ўзгартириш асосий вазифа сифатида белгилаб берилган.

ИЖРО ИНТИЗОМИ



ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИНГ ТАЯНЧИ ВА ЮКСАЛИШ ОМИЛИ

Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, экспорт ҳажми ва географиясини ошириш, янги иш ўринлари яратиш орқали аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада ижобий натижаларга эришилмоқда.

Наманган вилояти ҳокимлигида ҳам ижро интизомини янада яхшилашга қаратилган тизим яратилган. Шу мақсадда

Наманган вилояти, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, республика ташкилотларининг ҳудудий бошқармаларида ижро интизомига риоя этилиши, Ўзбекистон Президенти, Президент Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатлари билан ҳокимликка юклатилган топшириқлар ижроси қаттиқ назоратга олинган.

➡ Давоми 3-бетда



Муштарак мақсадлар

МАЗМУНАН ЯНГИ ДАВРГА
ҚАДАМ ҚЎЙГАН ҲАМКОРЛИК



Абдураим УЛУГ'ОВ,
сиёсий фанлар бўйича фалсафа
доктори, доцент

Бошланиши 1-бетда

Хусусан, 2018 йил 12-13 сентябрь кунлари Беларусь Президенти Александр Лукашенко расмий таширф билан мамлакатимизда бўлди. 2019 йил 31 июль — 1 август кунлари давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ушбу давлатга расмий таширфни амалга оширди. 2023 йил 15 сентябрь куни Беларусь етакчиси амалий таширф билан мамлакатимизга келди ва ШХТнинг Самарқанд саммитида иштирок этди. 2024 йил 7-9 февраль кунлари Беларусь етакчиси расмий таширф билан яна мамлакатимизда бўлди.

Бу каби таширфлар икки мамлакат халқлари манфаатлариغا хизмат қиладиган натижалари билан аҳамиятли. Мисол учун, 2017 йилда 181,7 миллион долларни ташкил этган товар айирбошлаш ҳажми 2025 йилда илк бор 1 миллиард долларга етди. Ўзбекистон экспорти ҳам шу даврда 26,8 миллион доллардан 186,5 миллион долларга ошди.

Ижобий динамика 2026 йилда ҳам давом этмоқда. Савдо таркиби тобора диверсификациялашмоқда, саноат маҳсулотлари, тайёр буюмлар, озиқ-овқат, кимё саноати, минерал ёқилғи маҳсулотлари, машина ва транспорт ускуналари, хизматлар, хомашё ўзаро савдонинг асосий йўналишларини ташкил этмоқда.

Инвестициявий ҳамкорлик изчил ривожланди. Бугун Ўзбекистонда Беларусь капитали иштирокидаги

Ўзбекистон ва Беларусь ўртасидаги муносабатларнинг мустақкам ҳуқуқий асоси яратилган. Сиёсий, иқтисодий, инвестициявий, маданий-гуманитар ва бошқа устувор йўналишларда 126 та икки томонлама ҳужжат имзоланган.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz.uz_news

УЗОҚ МУДДАТЛИ МАНФААТДОРЛИККА
АСОСЛАНГАН ИШОНЧЛИ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК



Махфуза ЙЎЛДОШЕВА,
сиёсий фанлар бўйича фалсафа
доктори, доцент

Давлатимиз раҳбарининг Грузияга давлат таширфи доирасида Грузия Президенти Михаил Кавелашвили билан бўлиб ўтган музокаралар икки мамлакат муносабатлари тарихида янги босқични бошлаб берди. Сўнгги 23 йил ичида Ўзбекистон Президентининг Грузияга амалга оширган илк давлат таширфи нафақат дипломатик воқеа, балки Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ ўртасидаги стратегик мулоқотнинг янги геосиёсий формати сифатида ҳам муҳим аҳамият касб этди. Ушбу таширф дипломатик географиянинг янги қиёфасини шакллантирди, десак айни ҳақиқат. Энди давлатлар ўртасидаги масофа километрлар билан эмас, манфаатлар уйғунлиги билан ўлчанadi.

Президентимиз Тбилисидаги музокарада “Бу Ўзбекистон Президентининг сўнгги 23 йилдаги Грузияга илк давлат таширфидир. Бу таширф мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва кўп қиррали ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришига ишонаман”, деди. Бу фикр тасодиқий дипломатик баёнот эмас. У янги Ўзбекистон ташқи сиёсатининг концептуал моҳияти — ишончли шериклик, ўзаро ҳурмат ва узоқ муддатли манфаатларга асосланган муносабатларни англатади.

Дипломатия — бу фақат келишувлар эмас, балки келажакка қаратилган ишонч сармоясидир. Музокаралар чоғида давлат раҳбарини Ўзбекистон ва Грузия ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлигини янада кенгайтириш истиқболларини муҳокама қиларкан, мамлакатимиз етакчиси ушбу таширфнинг тарихий аҳамиятига алоҳида тўхтабди.



Нуктаи назар

Бугунги кунда халқаро муносабатлар тизимида иқтисодий дипломатия давлат ташқи сиёсатининг ҳал қилувчи воситасига айланиб бормоқда. Шу нуктаи назардан, ўтган йилги икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажмининг 270 миллион долларга етгани, қўшма корхоналар сонининг ортиб бораётгани ва Грузиянинг етакчи рақамли банки Ўзбекистон бозорида муваффақиятли фаолият юритаётгани ўзаро ишончнинг иқтисодий ифодаси. Шунингдек, Тошкент — Тбилиси ва Тошкент — Батуми ўртасидаги тўғридан тўғри авиақатновлар, Тошкент шаҳрида ўтказилган Грузия маданияти кунлари халқ дипломатиясининг тобора мустақкамланаётганидан далолат.

Ўзбекистон ва Грузия халқларини нафақат дипломатик муносабатлар, балки чўқур тарихий ва маданий ришталар ҳам боғлаб туради. Бунинг рамзий ифодаси сифатида Тошкент шаҳрининг марказий ва энг гавжум кўчаларидан бири буюк грузин мутафаккири Шота Руставели номи билан аталиши алоҳида эътиборга лойиқ. Бу буюк адиб хотирасига билдирилган эҳтиром бўлиш билан бирга халқларимиз ўртасидаги ўзаро ҳурмат, маънавий яқинлик ва кўп йиллик дўстлик муносабатларининг ёрқин тимсоли.

Шу маънода, таширф доирасида Тбилиси шаҳрида буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ҳайкалининг тантанали очилиши Ўзбекистон — Грузия муносабатлари тарихида алоҳида саҳифа бўлди. Бу воқеа икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик фақат иқтисодий ва сиёсий манфаатлар билан чекланмасдан, умуминсоний қадриятлар, маданий мерос ва маънавий яқинликка ҳам таянаётганининг ёрқин ифодасидир.

Дипломатияда бундай рамзий қадамлар баъзан ўнлаб сиёсий баёнотлардан ҳам кучлироқ таъсир кўрсатади. Зеро, ҳайкаллар тошдан эмас, халқлар хотираси ва дўстлигининг бунёд этилади.

Музокарадада Потти ва Батуми портлари имкониятларидан самарали фойдаланиш орқали

ташқи савдо ҳажмини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилгани стратегик аҳамиятга эга. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг Қора денгиз орқали Европа бозорларига чиқиш имкониятларини кенгайтириш, транспорт йўлакларини диверсификация қилиш ва миллий иқтисодиётнинг ташқи бозорларга интеграциясини чуқурлаштиришга хизмат қилади.

Президентлар ҳудудлараро ҳамкорлигини ривожлантириш, ишбилармон доиралар, туризм ва гуманитар алмашувларни кенгайтириш масалаларига ҳам алоҳида ургу берди. Зеро, замонавий дипломатиянинг муваффақияти фақат давлат раҳбарлари музокаралига эмас, балки халқлар ўртасидаги ўзаро ишонч ва инсон капиталига таянади.

Ўзбекистон ташқи сиёсати мутлақо янги мазмун билан бойиб борар экан, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган очкилик, ўзаро ишонч ва манфаат тамойиллари мамлакатимизнинг халқаро нуфузини сезиларли даражада юксалтирди. Бугун Ўзбекистон халқаро муносабатларнинг фаол иштирокчиси, ишончли ҳамкор ва минтақавий барқарорлик ташаббускори сифатида эътироф этилмоқда. Грузия билан муносабатларнинг фаоллашуви ҳам айнан шу прагматик ташқи сиёсатнинг манتيқий давомидир. Зеро, Грузия Қора денгиз орқали Европага чиқиш эшиги бўлса, Ўзбекистон Марказий Осиёнинг иқтисодий ва логистик марказларидан бири сифатида янги транспорт йўлакларининг муҳим бўғинига айланиб бормоқда. Бу эса икки давлат манфаатларининг муштарак нукталарини янада яқинлаштиради.

Маъруз таширф яна бир муҳим ҳақиқатни намоён қилди: бугунги дипломатия — келишувлар имзолаш билангина чекланмайди. У халқларни яқинлаштиради, сармоя учун ишонч муҳитини, тадбиркор учун эса янги бозор яратди, олим учун илмий ҳамкорлик имкониятини кенгайтиради, ҳушр учун эса янги уфқларни очади. Ҳа, бугун ташқи сиёсат миллий тараққиётнинг муҳим драйверига айланиб улгурган. Зеро, давлатимиз раҳбарининг ҳар бир хорижий таширфи мамлакат иқтисодиётига инвестиция, ташқи савдо ҳажмининг ўсиши, янги иш ўринлари ва аҳоли фаровонлигини таъминлашга қаратилган аниқ стратегик мақсадларга хизмат қилмоқда.



Мулоҳаза

Тошкент шаҳрида сўнгги йилларда инсон кадрини улуғлаш, аҳоли учун муносиб турмуш шароитларини яратиш, шаҳар қиёфасини замонавий меъморий ечимлар асосида янада чиройли ва қулай қилиш ҳамда тадбиркорлик учун кенг имкониятлар яратиш йўлида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.



Равшан ФОЗИЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати

Янги йўллар, кўприклар ва муҳандислик-коммуникация тармоқларининг барпо этилиши, ижтимоий соҳа объекларининг қурилиши, транспорт инфратузилмасининг такомиллаштирилиши, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларининг жадал ривожланиши пойтахтнинг замонавий қиёфасини шакллантириш, энг муҳими, юрдошларимиз ҳаёт сифати ва фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Охириги ўн йилликда пойтахтимизнинг барча туманлари каби Сергели тумани ҳам кенг қўламли бунёдкорлик ва янгиланишлар марказига айланди. Бугун бу ҳудуд нафақат замонавий қиёфаси, балки аҳоли учун яратилаётган қулай яшаш муҳити, ривожланган инфратузилмаси билан эътибор қозонмоқда.

Туманда аҳоли фаровонлигини юксалтириш, транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш ҳамда тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга қаратилган изчил ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, метро тармоғининг кенгайтириш ва жамоат транспорти тизимининг замонавийлаштирилиши сергелиликлар ҳаётига сезиларли энгиллик олиб кирди. Янги автобуслар ҳаракати йўлга қўйилиши, метро йўналишларининг кенгайтириш тўғрисида аҳолининг шаҳар маркази ва



БУНЁДКОРЛИК ВА ЯНГИЛАНИШЛАР
МАРКАЗИГА АЙЛАНАЁТГАН СЕРГЕЛИ

бошқа ҳудудлар билан транспорт алоқаси янада қулай, тезкор ва хавфсиз тус олади.

Айниқса, ҳудудда замонавий турар жой мажмуалари, умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим ташкилотлари, тиббиёт муассасалари ҳамда савдо ва хизмат кўрсатиш марказларининг барпо этилаётгани аҳолининг ортиб бораётган эҳтиёжларини таъминлаш, ҳаёт сифати ва турмуш даражасини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Энг муҳими, бугунги Сергели — изчил тараққийд, бунёдкорлик ва янгиланишлар тимсоли сифатида пойтахтимизнинг энг жадал ривожланаётган туманларидан бирига айланмоқда.

Президентимиз шу йил 4 июль куни Сергели туманида амалга оширилган ишлар билан танишгани мамлакатимизда инсон кадрини улуғлаш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини таъминлашга қаратилган ислохотларнинг изчил давом этаётганини яна бир бор намоён этди.

Ушбу таширф, энг аввало, ҳудудларда амалга оширилаётган лойиҳаларнинг самарадорлигини жойида баҳолаш, аҳоли учун яратилаётган шароитлар сифатида эътибор қаратиш ҳамда янги ташаббусларни белгилаб олишга хизмат қилади. Бу, ўз навбатида, ҳар бир ҳудуддаги бунёдкорлик ишлари марказида инсон манфаати турганини, шаҳарсозлик, инфратузилма ва хизматлар сифати аҳоли эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштирилаётганини тасдиқлайди.

Бугун туманининг Янги Сергели кўчаси замонавий шаҳарсозлик ва хизматлар инфратузилмасини уйғун муассасам этган, аҳоли ҳаётига қулайлик бағишловчи янги маскан сифатида шаклланмоқда. Бу ерда ташкил этилган 24/7 режимида фаолият юритувчи туризм, савдо ва хизмат кўрсатиш объекти лари нафақат аҳолига сифатли ва замонавий хизматлардан исталган вақтда фойдаланиш имконини яратаятир, балки кичик бизнес ва



хусусий тадбиркорлигини ривожлантириш, янги иш ўринларини ташкил этиш ҳамда ҳудуд иқтисодий фаоллигини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Умумий қиймати 18,7 миллиард сўмлик мазкур лойиҳа доирасида Янги Сергели кўчасининг 2,1 километр қисми тўлиқ реконструкция қилиниб, муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва ободонлаштириш ишлари замонавий талаблар асосида янгиланди. Натжижада мазкур ҳудуд савдо, умумий овқатланиш, дам олиш ва кўнгилочар хизматларини ўзида муассасам этган, кечаю кундуз ҳаёт қайнайидиган замонавий жамоат марказига айланди.

Аҳоли дам олиши ва соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш мақсадида 10 дан ортиқ болалар майдончаси, 8 та воркаут зонаси, китоб дўкони ҳамда нурунийлар маскани ташкил этилгани аҳолининг мазмунли ҳордиқ чиқариши, жисмоний фаоллигини ошириш ва соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга замин яратаяди. Қолаверса, болаларнинг хавфсиз ва замонавий муҳитда

воёга етиши, ёшларда китобхонлик маданиятини юксалтириш, кекса авлод вакиллариинг мазмунли вақт ўтказиши, энг муҳими, маҳаллада ижтимоий ҳамжиҳатлик муҳитини мустақкамлашга муносиб ҳисса қўшади.

Президентимиз маҳалла бўйлаб миллий меъморчилик анъаналари уйғунлашган ҳолда таъмирланган хонадонлар, фойз-тароват касб этган кўчалар ҳамда аҳоли учун яратилган замонавий ва қулай шарт-шароитлар билан яқиндан танишди. Маҳалла фаоллари ва фуқаролар билан самимий мулоқот қилиб, уларнинг фикр-мулоҳазалари, озу-интиқлашлари, тақлифларини тинглади. Бу эса халқ билан очик ва бевосита мулоқотга таянган давлат бошқаруви тамойилининг яна бир амалий ифодаси бўлди.

Айтиш жоизки, инсон кадрини улуғлаш ва аҳоли фаровонлигини таъминлашга қаратилган изчил ислохотлар бугун маҳаллалар қиёфасида, одамларнинг кундалик ҳаётида яққол намоён бўлмоқда. Ўзгариш маҳалласи бу борадаги янгиланишларнинг ёрқин намунаси.

кўчалари экилгани аҳоли учун мусаффо ва соғлом яшаш муҳитини шакллантириш, ҳудуднинг экологик барқарорлигини мустақкамлашга катта ҳисса қўшмоқда. Бу атроф-муҳитни асраш ва келгуси авлод учун янада обод, яшил ва яшаш учун қулай шаҳар муҳитини барпо этишга қаратилган эзгу сазй-ҳаракатларнинг амалий ифодаси, десак тўғри бўлади.

Президентимиз “маҳалла еттилиги” ва ҳудуд фаоллари билан самимий суҳбатлашиб, таширфдан асосий мақсад аҳоли билан бево-сита мулоқот қилиш, таклиф ва ташаббусларни тинглаш эканини алоҳида таъкидлади. Буларнинг барчаси инсон қадрини улуғлаш, халқни рози қилиш, ҳудуднинг бекиёс имкониятларини юзага чиқаришда янги босқични бошлаб беради.

Таширф доирасида Президентимиз раислигида Тошкент шаҳри, хусусан, Сергели туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва маҳаллаларда хавфсиз муҳит яратиш масалалари юзасидан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилиши эса, энг аввало, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга оид вазифаларни тизимли ва самарали амалга оширишга хизмат қилиши, шубҳасиз. Ўз навбатида, маҳаллаларда хавфсиз муҳит яратиш, жиноятчиликнинг олдини олиш, ижтимоий инфратузилмани яхшилаш ва аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар самарадорлигини оширишга замин яратаяди.

Йиғилишда Сергели ва Янгихаёт туманлари аҳолисини қийнаб келаётган сув тозалаш иншооти атрофидаги бадбўй ҳид масаласига ҳам ижобий ечим топилди. Хусусан, 1 сентябрғача оқова сув қабул қилиш иншоотида замонавий филтрлаш ускуналарини ўрнатиб, мазкур муаммони бартараф этиш вазифаси қўйилган, энг аввало, аҳоли саломатлиги ва турмуш сифатига салбий таъсир кўрсатаётган экологик муаммони бартараф этиш, яшаш муҳитини соғломлаштириш ҳамда ҳудудда экологик барқарорлигини таъминлашга хизмат қилиш билан аҳамиятли.

Бугунги кунда Тошкент том маънода янги қиёфа касб этмоқда. Шаҳарнинг барча ҳудудларида амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари, замонавий инфратузилмани шаклланиши ҳамда ободонлаштириш борасидаги ислохотлар пойтахт қиёфасини тубдан ўзгартирмоқда. Таширф давомида белгила берилган устувор вазифаларнинг ўз вақтида ва самарали ижро этилишида депутатлар корпусининг фаол иштироки шаҳар тараққиётини янги босқичга олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, илгари сурилаётган ҳар бир ташаббус замирида пойтахтимизни замон талабларига тўла жавоб берадиган, аҳоли учун қулай ва обод маконга айлантиришдек улутвор мақсад муассасам. Бу йўлдаги ҳам-жиҳатлик ва масъулият эса Тошкентнинг келажақда янада гуллаб-яшнашига хизмат қилади.

Ҳудудни қўламазорлаштириш мақсади-да 2 минг 720 гупт манзарали дархат ва бута



Инсон қадри учун



Бунёдбек ШАМСУТДИНОВ,
тадқиқотчи

Кейинги йилларда, жумладан, 2016 йил якунидан мамлакатда мурожаатлар билан ишлашнинг янги тизими шакллана бошлади. Дастлаб Бош вазир виртуал қабулхонаси фаолияти йўлга қўйилиши ва кейинчалик Президент виртуал қабулхонаси ташкил этилиши жамиятимизда мурожаатларга муносабатнинг кескин ўзгаришига сабаб бўлган янги даврнинг бошланиши бўлди дейиш мумкин.

“Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” тамойилини амалда қарор топтириш, шунингдек, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш мақсадида Президентимизнинг 2016 йил 28 декабрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони билан Президентнинг Халқ қабулхонаси ва Виртуал қабулхонаси ташкил этилди.

Янги тизимнинг иш бошлаши амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қўллаб ўзгартиришлар киритилиши, ислоҳ этилишига асос бўлди.

Хусусан, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонун қайта кўриб чиқилиб, қўллаб ўзгаришлар, янгиланишлар билан 2017 йил 11 сентябрда янги тахрирда қабул қилинди. Мурожаатлар билан ишлаш тизимидаги ўзгаришлар қонунда ҳам аксини топди. Унда давлат органларининг халқ олдидagi ҳисобдорлиги, Халқ қабулхоналари тизими ва мурожаатлари тезкор ҳал этишининг қатъий ҳуқуқий механизмлари мустаҳкамланди.

2014 йилдаги қонунда ҳужжат фуқароларнинг давлат органларига мурожаатлар соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга тааллуқли бўлиши белгиланган эди. Янги тахрирдаги қонун давлат ташкилотлари, унинг мансабдор шахслари ва нодавлат ташкилотлар орасида айнан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ҳам тегишли бўлишини алоҳида белгилади.

Янги тахрирдаги қонуннинг 3-моддасида асосий тушунчаларнинг барчаси жамланган, уларнинг ҳар бирига изоҳ берилган. Жумладан, аввалги қонунларда учраган ариза, тақлиф, шикоят, аноним мурожаат, электрон мурожаат

МУРОЖААТЛАР БИЛАН ИШЛАШ ТИЗИМИ:

Мамлакатимизда “Инсон қадри учун” тамойилига асосланган улкан бунёдкорлик ишлари самаралари оддий инсонлар ҳаёти, кундалик турмушида акс этмокда. Ушбу тамойил янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги ортга қайтмас ислохотларнинг ўзаги, тарихий янгиланишлар эвазига қўл киритилаётган катта натижаларнинг пировард мақсади сифатида белгиланган экан, бунда, шубҳасиз, аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизими катта аҳамиятга эга. Зеро, ҳар бир мурожаат ортида бир инсон ёки оила тақдири, давлатга умиди ва ишончи ётади.

ИЛК ҲУҚУҚИЙ ТАМОЙИЛЛАРДАН БУГУНГИ ЭВОЛЮЦИОН ТАРАҚҚИЁТГАЧА

тушунчаларидан ташқари янги — такрорий мурожаат, мурожаатнинг дубликати, оммавий қабул, видеоконференцалоқа, давлат иштирокидаги ташкилот каби ағам, ибораларга тўхталиб ўтилган. Бундан ташқари, 2026 йил 7 майдаги қонунга асосан сўнгги ўзгартириш натижасида яна бир янги ибора — ишонч телефони қўшилди.

Мурожаатларни кўриб чиқишнинг умумий муддати аввалги 1 ойдан 15 кунгача қисқартирилди (қўшимча ўрганиш талаб этилса, 1 ой).

Ушбу йўналишда янги институтлар — Президентнинг Халқ қабулхоналари ташкил этилди, Виртуал қабулхона фаолияти ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди, сайёр қабуллар ва оммавий қабулларни ўтказиш тартиби белгиланди. Мурожаатлар билан ишлашнинг ягона тизими шакллантирилди.

Мурожаатларни қабул қилишда ахборот технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланилиши йўлга қўйилди. Давлат органларининг қатор манбалари Виртуал қабулхонага интеграция қилинди. Мурожаатчининг паспорт, телефон рақами орқали унга тегишли мурожаатларни бир жойда сақлаш имконияти яратилди.

Қонунга 2026 йилда киритилган ўзгартириш натижасида оғзаки мурожаатлар давлат органларининг ишонч, тезкор алоқа телефонлари орқали ва видеоконференцалоқа воситасида ҳам берилиши мумкинлиги белгиланди. Бунда ишонч телефони орқали келиб тушадиган мурожаатларни марказлаштирилган ҳолда қабул қилиш ҳамда уларни ишловдан ўтказиш мақсадида давлат органлари ва ташкилотларида керакли техник ресурсларга эга бўлган бўлимлар (колл марказлар) фаолияти йўлга қўйилиши мумкинлиги кўрсатилди.

Бунгача ишонч телефонлари орқали қабул қилинган мурожаатларни ҳар бир давлат органи ўз ихтиёрича қайд этади. Мазкур ҳолат айрим мурожаатларнинг қайд этилмаслиги, эътибордан четда қолиши, мурожаат сифатида



қабул қилинмаган ариза ёки шикоятга амалда жавоб берилмаслик имкониятини яратарди.

Қонундаги ушбу бўшлиқ 2017–2026 йиллар давомида мурожаатлар билан ишлашда орттирилган тажрибалар, ўрганишлар натижасида тўлдирилди.

Вояга етмаганлар ҳуқуқи кенгайтирилди. Вояга етмаган шахслар (18 ёшга тўлмаган болалар) ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганда, давлат органларига ота-онаси ёки васийларининг иштирокисиз, мустақил равишда мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлди. Аввалги қонунларда вояга етмаганлар манфаатларини кўзлаб, мурожаатлар уларнинг қонуний вакиллари томонидан берилиши белгиланган эди.

Янги тартибга кўра, болалар тўлиқ муомала лаёқатига эга эмаслиги важи билан уларнинг мурожаатларини кўриб чиқмасдан қолдириш қатъиян тақиқланди. Энди агар масала бола борган идора ваколатига

кирмаса, ўша идора мурожаатни васийлик ва ҳомийлик органларига юбориши мажбурий бўлди. Бу норма оилада зуравонликка ёки ҳақ-ҳуқуқлари камситилишига учраётган болаларнинг давлат томонидан тўғридан тўғри Ҳимоя қилиш имконини бери.

Давлат органларининг мажбуриятлари кенгайтирилди. Жумладан, қабул қилиш жадвали ва уни ўтказиш вақти, жойи ҳамда қабулга олдидан ёзиллиш тўғрисидаги ахборот, қабул қилиш тартиби давлат органларининг расмий веб-сайтларида эълон қилиниши, шунингдек, уларнинг маъмурий биносида ҳамма кириши мумкин бўлган жойлардаги стендларга ёки бошқа техник воситаларга жойлаштирилиши лозимлиги белгиланди. Давлат органига келиб тушган мурожаат ўша куннинг ўзида, иш вақти тугагандан кейин келиб тушган тақдирда эса кейинги иш кунини рўйхатдан ўтказилиши, мурожаатни рўйхатдан ўтказишни рад этишга йўл қўйилмаслиги кўрсатилди.

Аввалги қонунларда мурожаатларни кўрмай қолдириш ҳолатлари белгиланган бўлса-да, бу борада давлат органи раҳбарига бирор мажбурият юкланмаган эди. Энди давлат органи раҳбари мурожаатни кўрмай қолдирган тақдирда тегишли ҳулоса бериши лозимлиги белгиланди.

Қонуннинг 30-моддаси билан мурожаатларни кўриб чиқишни тугатиш бўйича тартиб ўрнатилди. Янги тартибга асосан, давлат органи, ташкилотнинг раҳбари мурожаатларни кўриб чиқишни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Қонун аввалги нормалар такомиллаштирилиши билан бирга, соҳада янгича ёндашувлар вужудга келиши ҳамда амалда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда муҳим ҳуқуқий механизм вазифасини ўтамокда.

Амалдаги қонунчилик юқори самара бераётган бўлса-да, рақамли технологияларнинг шиддатли ривож ва фуқаролик жамиятининг фаоллашуви ушбу соҳадаги қонунчиликни янада такомиллаштиришни тақозо этмокда.

Мурожаатлар билан ишлаш соҳасига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш шулар жумласидан. Бунда давлат органларига келиб тушадиган мурожаатларни саралаш, мазмунига кўра тегишли бўлимларга йўналтириш ва такрорий, дубликат мурожаатларни аниқлаш жараёнига сунъий интеллектни жалб қилиш мақсадга мувофиқ, Бу ишонч омиллини қамайтиради ва мурожаатларни қайта ишлаш тезлигини оширади.

Сунъий интеллект ёрдамида мурожаатчининг ариза, шикоятлари манбалари (базаси) асосида қиёфасини шакллантириш, фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқидан фойдаланиш даражаси, имкониятларини таҳлил қилиб бориш мумкин бўлади.

Ижтимоий тармоқлардаги чиқишларни расмий мурожаатга тенглаштириш. Бугун аҳоли муаммоларини кўпинча Telegram, Facebook ёки Instagram каби тармоқларда пост ёки видео шаклида эълон қилинмокда. Қонунчиликка

“Вояга етмаганлар ҳуқуқи кенгайтирилди. Вояга етмаган шахслар (18 ёшга тўлмаган болалар) ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганда, давлат органларига ота-онаси ёки васийларининг иштирокисиз, мустақил равишда мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлди.

ижтимоий тармоқлардаги кенг муҳокама қилинётган ва шахси тасдиқланган фуқароларнинг чиқишларини автоматик равишда расмий мурожаат сифатида рўйхатга олиш механизмини киритиш мақсада мувофиқ.

Қонундаги сўнгги ўзгаришлардан келиб чиқиб, давлат органлари, ташкилотларда мавжуд ишонч телефонлари, колл-марказлар фаолиятини тартибга солиш ва бу борадаги ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш ҳам муҳим.

Амалдаги қонун давлат иштирокидаги ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига нисбатан ҳам таътиб этилиши белгиланган. Хусусий сектор вакиллари, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларга ушбу қонунга амал қилиш мажбурияти юклатилмагани натижасида фуқароларнинг мурожаат қилиш борасидаги конституциявий ҳуқуқлари ва кафолатлари чекланмокда.

Давлат улуши бор ташкилотлар тугатилиши жараёни йилдан йилга жадаллашган, давлат органлари ваколатларининг хусусий секторга ўтказилиши тезлашган бир вақтда фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашда нодавлат ташкилотлар, хусусий секторнинг ҳиссаси ортиб бормокда.

Фуқароларнинг мурожаат қилиш борасидаги конституциявий ҳуқуқлари ва кафолатларини тўлиқ таъминлаш мақсадида барча нодавлат ташкилотлар учун мурожаатлар билан ишлашдаги асосий талабларни (фуқаролар мурожаатларига белгиланган муддатда, тўлиқ, батафсил жавоб бериш, уларнинг шахсий қабулини ташкил этиш каби) мажбурий этиб белгилаш вақти келди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, мурожаатлар тўғрисидаги қонуннинг 1994 йилдан бун 4 марта янгиланиши, айниқса, янги Ўзбекистон шароитида бу масала давлат сиёсати даражасига олиб чиқилгани “Давлат органлари халққа хизмат қилиши керак” деган устувор тамойил изчил амалга оширилаётганини кўрсатади. Қоғоз шаклидаги чекланган тизимдан бутунга рақамли, ижтимоий Ҳимояга йўналтирилган ва очиқ тизимга ўтилиши бошқарув сифатини янги босқичга кўтарди. Юқорида таъкид этилган мулоҳазаларнинг ҳаётга таътиб этилиши эса келажақда давлат ва жамият ўртасидаги ишонч кўпригини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.



Қулайлик

КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС – бандлик, инвестиция, рақобат ва барқарорликнинг муҳим манбаи



Жаҳонгир ГАЛАЕВ,
Ўзбекистон фермерлари кенгаши бош мутахассиси

маъмурий шарт-шароитлар яратиш тўғрисида”ги фармони айна мақсадларга хизмат қилиши билан аҳамиятли.

Ҳужжат кичик бизнес субъектлари учун солиқ режими янада қулайлаштириш, қўшилган қиймат солиғи маъмуриятчилигини соддалаштириш орқали айланмаларни очиклаш ва бизнеснинг ўсишини рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Хусусан, Тошкент шаҳридан ташқари жисмоний ва юридик шахслар томонидан тадбиркорлик субъектларига умумий майдони минг метр квадратдан кўп бўлган мол-мулк ижарага берилганда, солиқ солиш мақсадида ижара тўловининг энг кам

ставкалари қўлланмайди. Кичик бизнес субъектларига бухгалтерия ҳисобини юритувчи ташкилотлар ва солиқ маслаҳатчиларини жалб қилиш харажатларини икки баробар оширган ҳолда чегирини рухсат берилди.

Шунингдек, 2026 йил 1 июндан 2030 йил 1 январга қадар давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган корхоналар ҳамда йирик солиқ тўловчилардан ташқари асосий фаолият кўри умуний овқатланиш, савдо ёки хизмат тўрлатиш соҳаси бўлган тадбиркорлик субъектларига ихтиёрий равишда қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартибини танлаш ҳуқуқи берилди.

Яна бир муҳим жиҳат: Қўшилган қиймат солиғи ставкаси товарларни реализация қилиш бўйича барча айланмаларга нисбатан 6 фоиз этиб белгиланди. 2027 йил 1 январдан

бошлаб солиқ хавфи даражаси паст бўлган ҳолларда қўшилган қиймат солиғининг салбий фарқ суммасини қайтаришда инсон омил иштирокидаги жорий амалиётдан воз кечилади. Солиқ тўловчида мазкур фармон кучга киргунга қадар ҳосил бўлган ҳамда келгусида ҳосил бўладиган 10 миллион сўмгача қўшилган қиймат солиғи бўйича салбий фарқ суммалари уларнинг аризаси талаб этилмаган ҳолда автоматик тартибда қайтариб берилади. Ушбу суммани қоғлаб бериш билан боғлиқ солиқ текширувлари ўтказилмайди.

Фармонда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига иқтисодий ва маъмурий қулайликлар яратиш, асосий солиқ ставкаларини оширмасдан шаффоф солиқ базасини кенгайтириш, рақамли сервислар ва солиқ солишнинг адолатлилик тамойилига асосланган хавфга йўналтирилган



УШБУ МАҚОЛАНИ
ҚОРАКАЛПОҚ ТИЛИДА
ҲАМ ҚЎШИ УЧУН
QR-КОДНИ СКАНЕР
ҚИЛИН!

солиқ маъмуриятчилигини яхшилаш каби қатор қулайлик ва имтиёзлар белгиланган.

Хусусий секторни молиявий қўллаб-қувватлашнинг изчил кенгайиши, аввало, иқтисодиёт барқарорлигига қаратилган муҳим инвестициядир. Тадбиркор имтиёзли кредитлар, замонавий банк хизматлари ва стартапларни қўллаб-қувватлаш воситалари орқали молиялаштириш имкониятига эга бўлиш, ушлаб чиқаришни кенгайтириш, янги технологияларни жорий этиш, бозорларга чиқиш ва қўшимча иш ўринлари яратиш имконига эга бўлади. Натижада нафақат бизнес, балки иқтисодиёт ривожланади.

Молиявий имкониятлар кенгайиши рақобат муҳитини ҳам кучайтиради. Зеро, фаол тадбиркорлар қанчалик кўп бўлса, товар ва хизматлар сифати шунчалик юқори бўлади, инновациялар, рақамлаштириш ва замонавий технологиялар тез ривожланади. Глобал рақобат шароитида айнан фаол бизнес жаҳон иқтисодиётидаги ўзгаришларга тезкор мослашади.

Энг муҳими, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш жамиятдаги янги иқтисодий тафаккурни, ташаббускорлик, масъулият ва мустақиллик маданиятини шакллантиради.

ЮРАККА ХИЁНАТ



